

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ТошПТИ ректори, проф.
Б. Т. Даминов
« 5 » _____ 2022 йил

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчининг функционал вазифалари

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлардан келган буйруқларга ички буйруқ ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, тегишли масъулларга топшириш, буйруқлар ижроси назоратини олиб бориш, ижро бўйича сўралган муддатда юқори ташкилотларга ҳисобот бериш.

Вазирлик ва бошқа ташкилотлар томонидан келган хатларга (ҳар ҳафта, ҳар ой, квартал бўйича) ҳисобот ва расмий маълумотлар бериб бориш.

Институтда маънавий-маърифий йўналишда йил давомида олиб бориладиган ишлар бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш.

Вазирлик ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган профилактик тарғибот тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, ташкилот масъуллари иштирокида тадбирлар ташкил этиш.

➤ Институт талаба-ёшлари ўртасида маънавий-маърифий йўналишда олиб борилган ишлар бўйича ҳисобот ва (расмий) маълумот, баённомалар расмийлаштириш.

➤ ОўМТВ томонидан ҳам ҳафта бериладиган “Таълим –тарбия ва ахборот соати материалларини” кафедра профессор-ўқитувчилари, мураббийлар ва маънавият масъулларига етказиб бориш (ТПТИ Ахборот соати телеграм канали шакллантирилган, йил давомида маъруза, видеоролик, презентациялар юклаб борилади)

➤ Бўлимга кирувчи ва чиқувчи хат-ҳужжатларни ҳисобини юритиш ва рўйатдан ўтказиш.

➤ Талабалар ўртасида турли танловлар бўйича эълонларни ижтимоий тармоқлар орқали бериб бориш, танлов низомини тасдиқлатиш ва талабаларга низом талаблари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, танлов иштирокчилари ва ғолибларга фахрий ёрлик, диплом, сертификат тайёрлаш, ўтказилган танловлар баённомаларини расмийлаштириш.

➤ Талабаларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида маданият масканлари театр, музей, киносарой ва концерт заллари билан ҳамкорлик бўйича режалар ишлаб чиқиш ва шартномалар тузиш.

➤ Маданият масканлари театр, музей ва киносаройларга ташриф бўйича расмли маълумот ва ҳисоботларни тайёрлаш, ташриф бўйича мониторинг олиб бориш.

➤ Институт талабалари ўртасида Буюк Аждодлар, Аллома ва мутафаккир, шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд кунларига бағишланган маънавий-маърифий, адабий-бадиий тадбирларни ташкиллаштириш ва баённомаларини тайёрлаш.

➤ Маънавий-маърифий йўналишда амалга оширилган ишлар ва ўтказилган тадбирлар бўйича расмли қисқа маълумотларни институт веб-сайтида ёритиш учун матбуот котибига бериб бориш.

➤ Ҳар ойда “Педиатр” газетасига амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар бўйича мақола учун расмли маълумотлар бериб бориш.

➤ 5 ташаббус бўйича тўгараклар фаолияти бўйича ҳужжатларни жамлаб бориш.

➤ Институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар томонидан маҳалла, мактаблар, мурувват ва меҳрибонлик уйларига ташрифлар ҳамда ўтказилган хайрия тадбирлари бўйича ҳужжатларни жамлаб бориш.

➤ Ижтимоий ҳимояга муҳтож, чин етим, ногирон талабалар рўйхатини шакллантириш ва янгилаб бориш.

➤ Бўлимда амалга оширилган ишлар бўйича презентациялар тайёрлаб бориш.

➤ Бўлим архиви ва кортотекасини юритиш.